O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 4 апрель, №73 (3185) Жума

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## 2003 йилнинг 1 майидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

*Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мақсадида:*

1. 2003 йилнинг 1 майидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус, касб-ҳунар билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,20 баравар оширилсин.

2. 2003 йилнинг 1 майидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 5440 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 10765 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 5440 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 10765 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 6520 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалик оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2003 йил 1 майдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ва муассасалар билан биргаликда мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг мансаб маошлари миқдорини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласинлар.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат сарфини камайтириш, шунингдек жорий йилнинг 1 январидан бошлаб даромад (фойда)дан олинадиган солиқ 24 фоиздан 20 фоизга, давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий ажратмалар меҳнат ҳақи фондининг 40 фоизидан 37,2 фоизига камайтирилганлиги муносабати билан бўшайдиган маблағларни мана шу мақсадларга йўналтириш ҳисобидан 2003 йилнинг 1 майидан бошлаб иш ҳақини мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ оширсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 1 июлдаги ПФ-3101-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 2 апрель.



## «ОФС»да ютуқлар кўпаймоқда

*Бухоро шаҳридаги «ОФС» тикувчилик фирмасида тикилаётган бежирим эркаклар костюм-шими, аёллар ва болалар уст-бошлари хорижникидан асло қолишмайди. Шу боис бу маҳсулотларга кўп миқдорда буюртмалар тушмоқда.*

*Бугунги кунда фирмада 25 нафар ишчи меҳнат қилаяпти. Уларнинг ҳар бири маҳсулотнинг сифатли ва харидоргир бўлиши учун астойдил интилмоқда. Натижада жамоа вилоят тадбиркорларининг «Ташаббус-2003» кўрик-танловининг ғолиби сифатида республика босқичида қатнашди. Бу тикувчиларни янги ютуқларга даъват этаётир.*

**СУРАТДА:** ***илғор тикувчи Сарвиноз Фозилова.***

**Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.**

Олий Мажлисда

## Спорт — турмуш тарзимиз

*Кейинги йилларда республикамизда Андижон спорт мактаби шакллангани ҳақиқат. 1996 йили Атлантада бўлиб ўтган ёзги олимпиада ўйинларидан 1 та олтин, 1 та кумуш, 2002 йилги XIV Осиё ўйинларидан 4 та олтин, битта кумуш, 1 та бронза медалларини қўлга киритганлар ҳам андижонлик спортчилардир.*

*Қолаверса, вилоятнинг 30 фоиз аҳолиси бугун спорт билан шуғулланади. Андижонда аҳолининг кўплигини инобатга олсак, бу кўрсаткич баъзи вилоят аҳолисининг 50 фоизига тўғри келади. Лекин бу мисоллар Андижонда жисмоний тарбия ва спорт ишлари ҳеч қандай муаммоларсиз ривожланаяпти, дегани эмас.*

Вилоятда бу соҳадаги ечимини кутаётган талай муаммолар кеча бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият, спорт масалалари қўмитасининг йиғилишида муҳокама этилди. Унда «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Андижон вилоятидаги ижроси кўрилди. Йиғилишни қўмита раиси Нарзулла Жўраев олиб борар экан, ютуқларни таъкидлаш билан бирга, баъзи камчиликларга ҳам тўхталди. Жумладан, Андижон шаҳри миқёсида жисмоний тарбия ва спорт ишлари юқори даражада йўлга қўйилгани билан вилоятнинг энг чекка қишлоқлари, олис туманларида бу борада муаммолар кўп. Спорт иншоотларини қуриш, анжомлар ва мураббий мутахассислар билан таъминлашда барча ҳудудларда баравар иш юритилса, мазкур қонун ижроси ҳам изчил бажарилган бўларди.

Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари Азизбек Содиқов ўз маърузасида охирги йилларда жами 18 та соғломлаштириш маркази, 80 та теннис корти ташкил этилганини, 1844 та жисмоний тарбия жамоасида 1440 та мураббий фаолият юритаётганини маълум қилди. Муаммолар ўз-ўзидан спорт мутахассислари етишмаслигига, таълим-тарбия масканлари учун дарслик, қўлланмалар танқислигига тақалади. Спорт анжомлари, кийим-кечаклар ишлаб чиқарадиган корхоналар Андижонда бор, лекин шунга қарамасдан, олис қишлоқ мактаблари, турар жойлари спорт иншоотлари билан етарли таъминланмаган. Вилоят миқёсидаги 818 та маҳалла фуқаролар йиғинларининг кўпчилигида шу муаммолар кузатилади. Баъзи бир маҳаллаларда 7 тагача футбол командалари тузилган. Ўтган йилнинг ўзида вилоят миқёсида жами 2670 та шундай гуруҳлар ташкил этилди. Кўрсаткичлар айтиб турибди-ки, бу борада ҳудудда катта миқёсда ишлар бошланган, уларни охирига етказиш лозим. Соҳа мутахассислари, дахлдор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари ҳамда маҳаллий раҳбарлар, олимлар иштирок этган қўмита йиғилишида тегишли қарорлар қабул қилинди.

***Мамлакат НОРМУРОДОВА,***
***«Халқ сўзи» мухбири***

## ОРТИҚЧА ХАРАЖАТЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИЛСИН

Кеча Фарғонада вилоят қишлоқ хўжалик ходимларининг кўкламги дала ишларини амалга ошириш, чигит экиш, бошоқли дон экинларини озиқлантириш борасида ўтган йили йўл қўйилган хато ва камчиликларни такрорламаслик масалаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Маслаҳат-машваратни Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси И. Жўрабеков бошқарди. Вилоятда ғалла экинларини парваришлаш, чигит экишни қисқа муддатда, сифатли қилиб туғаллаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи Т. Каримовнинг ахбороти тингланди.

Йиғилишда кўкламги дала ишлари, хусусан, ғалла ривожи, ерларни экишга тайёрлаш, плёнка остига чигит экиш ишлари агротехника талаблари асосида сифатли қилиб бажарилаётгани алоҳида таъкидланди. 105 минг гектар ғаллазорда иккинчи озиқлантириш туғалланяпти, 95 минг гектардаги ғалла ниҳоллари эса найчалаган. Айниқса, вилоят пахтакорлари аввалги йиллари йўл қўйилган хатоларни такрорламаслик учун астойдил меҳнат қилишяпти. Бу йил 55 минг гектар майдонда, жами экин майдонларининг деярли ярмида плёнка остига чигит қадалади. Охунбобоев, Тошлоқ туманларида бу тадбир туғалланиш арафасида.

Йиғилишда асосий эътибор қишлоқ хўжалигида иқтисодий таҳлил масалаларига қаратилди. Ҳатто режани орттириб бажарган туманлар, хўжаликлар ҳам йилни зарар билан якунлашди. Ҳақли савол қўйилди: таннарх, иқтисодни ўйламай ортиқча сарф-харажатларга йўл қўйилаверса, деҳқоннинг косаси қачон оқаради, дастурхони қачон тўкин бўлади? Хўжалик раҳбарлари иқтисодий таҳлил, рентабеллик даражаси масалалари билан умуман шуғулланмайди.

Йиғилишда шу йил 7-8 апрелга қадар плёнка остига, 20-22 апрелгача очиқ майдонларга чигит экишни туғаллаш ҳақида келишиб олинди.

Йиғилишда Фарғона вилояти ҳокими А. Отабоев сўзга чиқди.

**Набижон СОБИР,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Ишонч ёрлиқлари топширилди

**Ўзбекистон Республикасининг Малайзиядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси О.Ҳасанов Малайзия подшоҳи Туанку Саид Сиражуддинга ишонч ёрлиқларини топширди.**

**Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимидан кейин бўлиб ўтган мулоқот чоғида икки томонлама муносабатлар истиқболлари муҳокама этилди.**

**«Жаҳон» АА.**




## ТИНЧ ЮРТГА САРМОЯ КЕЛАДИ

### мамлакатимизга бевосита хорижий инвестицияларни жалб этишга янги имконият туғилмоқда

Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурмоқда. Айни шу жиҳатдан минтақадаги йирик ва иқтисодий ривожланган мамлакат сифатида Ўзбекистон Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, чет эл давлатлари, шу жумладан, банк ва молия институтлари билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш борасида кафолатловчи вазифасини бажармоқда.

Тинч юртга, бой минерал хомашё манбалари, юқори ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятига эга юртга сармоя келади-да. Биргина 2002 йилда республикамиз иқтисодиётига 650 миллион АҚШ доллари миқдорида хориж сармояси киритилгани, умуман, мамлакатимизда умумий қиймати 4,3 миллиард АҚШ долларилик (бу маблағнинг 30 фоизи бевосита хорижий инвестициялар ҳисобланади) 87 та инвестицион лойиҳани ўз ичига олган Давлат дастури изчил амалга оширилаётгани, бугунги кунда барча ҳудудларда жаҳоннинг 90 мамлакатидан жалб этилган чет эл сармояси иштирокида 3000 дан зиёд корхона фаолият кўрсатаётгани, уларнинг 80 фоизи эса ишлаб чиқариш билан шуғулланаётгани фикримизнинг тасдиғидир.

Бундан ташқари, қўшимча имтиёзлар ва енгилликлар яратган ҳолда, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш бўйича ҳукумат дастурининг қабул қилиниши ўз навбатида тадбиркорлар ва ишбилармонлар доираси учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Натижада қисқа муддат ичида республикамизнинг барча минтақаларида 152 та янги қўшма корхона очилди, 2005 йилгача бўлган даврда чет эллик инвесторларга яна 140 тадан ортиқ янги қўшма ишлаб чиқариш иншоотларида иштирок этиш имконияти таклиф қилинаяпти.

Айни кунларда Ўзбекистон муҳим халқаро воқеа — Европа Тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар Кенгашининг XII йиллик йиғилишини ўтказишга катта тайёргарлик кўрмоқда. Ушбу йиғилиш учун пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг танланиши бежиз эмас, албатта. Чунки Ўзбекистон 1992 йили ЕТТБ нинг тўлақонли аъзоси бўлган бўлса, ўтган йиллар мобайнида улар ўртасида икки томонлама ўзаро алоқалар тубдан шаклланди. Шу кунга қадар эса мамлакатимизда мазкур банк иштирокида 1,4 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 20 та лойиҳа амалга оширилди. Бу лойиҳалар сирасига Шўртан нефть-газ кони мажмуи, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, «Зарафшон-Ньюмонт», «Косонсой-Текмен», «Хоразм-Нуртоп», «Оқсарой тўқимачи» қўшма корхоналари, Фарғонадаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқаларни киритиш мумкин. Ҳозирги кунда эса ЕТТБ яна 320 миллион доллар қийматидаги 8 та лойиҳани кўриб чиқмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ЖОН ҲЁРБСТ: «ХАЛҚАРО КОАЛИЦИЯНИНГ МАҚСАДИ АНИҚ ВА ТУШУНАРЛИ»

*Ироққа қарши ҳарбий ҳаракатлар бошланганига икки ҳафта бўлди. ЎзА мухбири АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Ҳёрбст билан суҳбати шу мавзуга бағишланди.*

— Халқаро коалициянинг ҳаракатлари учун ҳуқуқий асослар етарли ва аниқ, — дейди элчи. — 1991 йили Ироқ билан БМТ ярашув ҳақида ҳужжат имзолаган ва урушга барҳам берилган. Ўшанда БМТ Бағдод олдига қатор талабларни қўйган. Яъни, Ироқ БМТ билан ҳамкорлик қилиб, ўзидаги барча оммавий қирғин қуролларидан воз кечиши керак эди. Ушбу воқеадан кейин БМТ Хавфсизлик кенгаши Ироққа нисбатан 17 та резолюция қабул қилди. Охирги 1441 резолюция бундан тўрт ойча аввал қабул қилинган эди. Ушбу резолюцияларнинг барчасида Ироқдан қуролсизланиш талаб қилинган. Бироқ, Ироқ ушбу ҳужжатларнинг бирортасига ҳам амал қилмади. Ироқнинг бундай йўл тутиши халқаро коалиция ҳарбий ҳаракатларни бошлашига ҳуқуқий асос бўла олади.

Ушбу операция Ироқни қуролсизлантириш учун бошланди. Чунки, у 12 йил давомида қуролидан воз кечмади. Мазкур ҳарбий операциядан кўзланган яна бир мақсад Ироқ халқини Саддам Ҳусайн тузумидан озод қилишдир.

**— Уруш ҳаракатлари бошланиши арафасида ҳарбий коалицияни қўллаб-қувватлаётган давлатлар ўттизга яқин эди. Яқинда АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл баёнот бериб, коалицияни қўллаб-қувватлаётган мамлакатлар сони ҳозир олтмишдан ошганини айтди...**

— Ироқ масаласи кўп баҳсларга сабаб бўлгани маълум. Бир томондан АҚШ, Буюк Британия, Испания ва бошқа давлатлар Ироқни қуролсизлантириш учун ҳарбий чора кўриш тарафдори бўлди. Иккинчи томондан, қатор давлатлар бунга қарши чиқди. Ҳарбий операция бошлангач, халқаро коалициянинг мақсадини тўла тушуниб етгач, уни қўллаб-қувватловчи мамлакатлар сони ортди.

Шу ўринда бир гапни алоҳида таъкидламоқчиман. Ўзбекистон билан АҚШ хавфсизлик борасида жуда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бунда мамлакатингиз Президенти Ислом Каримовнинг улкан ҳиссаси борлигини алоҳида қайд этмоқ керак. Ўзбекистон билан АҚШнинг кўп масалаларда қарашлари ҳам ҳамоҳанг. Ўзбекистон анча йиллардан буён халқаро террорчиликка қарши курашиб келади ва бу борада АҚШ билан ҳамкорликда кўп ишларни амалга оширди.

**— Саддам Ҳусайн ҳокимиятдан четлаштирилгандан кейин Ироқда қай даражада ва қанча вақтда очиқ демократик жамият шаклланади, деб ўйлайсиз?**

— Мақсадимиз аниқ ва тушунарли. Саддам Ҳусайн тузуми ағдарилгандан кейин Ироқда очиқ ва демократик тамойилларга асосланган жамиятни, янги давлатни кўришдир. Биз Ироқнинг ҳудудий яхлитлиги сақлаб қолиниши ва барча фуқаролар, миллатидан қатъи назар, тинч ва осойишта яшашининг тарафдоримиз.

**— Уруш ҳаракатларини ёритаётган оммавий ахборот воситаларининг фаолияти ҳақида нима дея оласиз?**

— Айрим мамлакатлар оммавий ахборот воситалари воқеаларга холис ёндашмаяпти. Масалан, улар жамоатчилик диққат-эътиборини Ироқда тинч аҳоли қурбон бўлаётганига кўпроқ қаратишга ҳаракат қилмоқда. Масаланинг туб сабаблари ва моҳиятидан кўз юмаяпти. Мисол учун, Ироқ ҳарбийлари тинч аҳоли яшайдиган биноларга, касалхоналарга жойлашиб олган. Демак, Саддам Ҳусайннинг ўзи тинч аҳоли бомбардимон қилинишини истайди. Нохолис оммавий ахборот воситалари Саддам Ҳусайн тинч аҳолидан тирик қалқон сифатида фойдаланиб, аёллар ва болаларни олов гирдобига ташлаётганига кам эътибор қаратаётир. Ироқ полицияси аскарларни мажбурлаб жангга киритмоқда. Умуман, Саддам Ҳусайннинг мамлакатни террор йўли билан бошқараётганига етарли эътибор қаратилмаяпти.

**— 11 сентябрь фожеасидан кейин дунё ҳамжамияти жипслашиб, халқаро террорчиликка қарши кураш бошланди. Афғонистонда халқаро террорчилар уясига барҳам берилди. Айтинг-чи, Ироқдаги урушни Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатларнинг мантиқий давоми, дейиш мумкинми ёки улар бир-биридан фарқ қиладими?**

— Ироқдаги воқеаларнинг, албатта, Афғонистон воқеаларидан фарқи бор. Бироқ уларнинг бир-бирига ўхшаш томонлари ҳам йўқ эмас. Тўғри, халқаро ҳамжамият 11 сентябрь фожеасидан кейин халқаро террорчиликка қарши курашда бирлашди. Лекин бир ҳолни унутмаслигимиз керак. Афғонистонда ҳарбий ҳаракатлар бошланганида ҳам тинч аҳолининг қурбон бўлаётганини, урушни тўхтатиш лозимлигини айтганлар бўлган эди. Шуни таъкидлашни истардимки, Ироқдаги ҳарбий ҳаракатлар режадагидек кетмоқда. Айрим мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари эса шу ҳақда холис ахборот беришни истамаяпти.



**— АҚШнинг Ироққа қарши уруш бошлашига нефть сабаб бўляпти, деган гаплар ҳақида нима дейсиз?**

— Бу гапларнинг бирортаси етарли асосга эга эмас. Албатта, Ироқ нефтининг муҳимлигини, айниқса, унинг Ироқ халқи учун қай даражада катта аҳамиятга эга эканлигини яхши тушунамиз. Шунинг учун ҳам жанг бўлаётган ҳудудларда нефть конлари Ироқ ҳарбийлари томонидан ёқиб юборилишининг олди олинмоқда. Ироқ нефти Ироқ халқига хизмат қилиши керак. Ҳозир конлар жойлашган ҳудудларни коалиция кучлари ўз назоратига олган.

**ЎзА мухбири**
**Саидмурод РАҲИМОВ**
**суҳбатлашди.**

## Иккинчи чақириқ Олий Мажлис XI сессияси очилишига 20 кун қолди



# МИЖОЗЛАР МАНФААТИ УЧУН

Ҳозирги кунда республикамизда 800 дан ортиқ филиалларга эга бўлган 35 та банк фаолият юритмоқда. Банклар сонининг ортиб бориши, улар ўртасида кенг рақобатга йўл очмоқда. Эндиликда банк нуфузига қараб, мижозлар ўзлари хоҳлаган банкни танлаш ҳуқуқига эгадирлар. Бозор иқтисодиёти шароитида банклар, мижозлари билан тенг ҳуқуқли шерик сифатида фаолият кўрсатиб, доимо уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишлари лозим. Мижозлар манфаатини ҳимоя қилишнинг бир йўналиши, банк сиридир. Банк сири деганда банкка ҳамда мижозларга тегишли бўлган маълумотларни ошкор қилмаслик тушунилади. Ҳар бир банк ўз мижозлари ва вакилларининг ҳисоб варақларидаги маблағлари, жамғармалари ҳамда операцияларига доир барча маълумотларни сир сақлашлари лозим.

Демак, турли мулкчилик шаклига эга бўлган, фирма , корхона, ташкилотларнинг ҳисоб варақлари ҳамда операцияларга доир маълумотномалар фақат шу корхонанинг ўзига берилади. Жисмоний шахсларнинг омонатларига доир маълумотлар эса уларнинг ўзларига ва қонуний вакилларига берилади. Истисно тариқасида жиноий иш қўзғатилган бўлса, суд, прокуратура, суриштирув ва тергов идораларига солиқ тўловларини тўлиқ ва тўғри тўлаётганлигини назорат қилиш учун солиқ идораларига уларнинг сўровномаларига биноан ҳисоб варақлар ва улардаги маблағлар тўғрисида маълумотлар берилади.

Лекин, кўпинча банк ва унинг мижозлари тўғрисида турли хил идоралар томонидан маълумотлар талаб этилади. Бу аввало «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонунга зиддир. Шу билан бирга баъзан банклар турли хил маълумот берувчи «статистик органлар»га айланиб қолмоқда.

Яқин кунларда бўлиб ўтадиган навбатдаги Олий Мажлис сессиясида «Банк сири тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг муҳокама қилиниши айни муддаодир. Мен ишлаётган институтнинг банк иши кафедраси айнан республикамиз банклари учун мутахассислар тайёрлаб беради. Ўз фаолиятимизда банкларда бўлаётган ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда, банкдаги муаммолар, уларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиб, талабаларга билим беришга ҳаракат қиламиз. Банк сири тўғрисида, айниқса, банкда ишлаётган сиртқи бўлим талабалари билан кўпинча баҳслашамиз. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясида «Банк сири тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг муҳокамага қўйилиши кафедра аъзолари ва талабаларни беҳад қувонтирди. У кенг халқ оммаси муҳокамасига тақдим қилинганда, биз ўз таклифларимизни тавсия этамиз.

Демак, қандай маълумотлар банк сири бўлиб ҳисобланиши Қонун лойиҳасида батафсил кўрсатилади. Банк ўзига тегишли бўлмаган «маълумот бериш» вазифасидан озод бўлади. Бу эса, бир томондан, банкнинг ўзига тегишли бўлган операциялари бўйича иш унумдорлигини оширади, иккинчи томондан, мижозлар манфаатини ҳимоя қилиш вазифасини тўлиқ бажара олади. Ўз навбатида банк тизимининг янада такомиллашувига ёрдам беради.

**Клара НАВРЎЗОВА,**
**Тошкент Молия институти банк иши кафедраси катта ўқитувчиси.**

# ДЕПУТАТ ДЕГАНИ...

*Илгарилари, халқ хизматкори деб, таърифланарди-ю, аслида аксарият сайловчилар уларни танимас, билмас ҳам эди. Кўрсатма бўйича «сайланган» ўша ноиблар, айниқса, маҳаллий Кенгаш депутатлари ўз ваколатларини мажлисларда қарсак чалишу, қўл кўтариб тасдиқлашдангина иборат, деб билишарди. Улар ўз сайловчилари олдида йилда бир, икки бор кўриниш бериб, ташкилотлар, хўжаликлар, жамоалар томонидан қилинган ишларни бирма-бир санаб ўтар эди.*

— Ўша давр, ўша муҳитнинг иллати бу, — вазмин сўз юритади 10-Иттифоқ сайлов округидан вилоят кенгашига депутат этиб сайланган Илҳомжон Абдураҳмонов. — Энди онгимиз, дунёқарашимиз бутунлай ўзгариб кетди. Ҳозирги депутатлар «халқ хизматкори» эмас, аксинча ҳокимликлар билан халқ ўртасидаги узилмас занжир. Уларни бир-бири билан боғлайдиган мустаҳкам кўприк. Катта-катта масалаларни ўртага ташлайдиган, унинг ечимига бош-қош бўладиган масъул шахс. У сайловчиларга ҳисоб беришдан олдин ҳар куни, ҳар қадамда ўзига ўзи ҳисоб бермоғи шарт. Шунда у ўзига билдирилган ишончни оқлаган бўлади. Бугунги кунда депутатнинг юраги ёнмаса депутатликни оқлолмайди.

Ёш мутахассиснинг экин майдонлари асосан қумликлардан иборат Улуғнор туманидаги «Оқ олтин» ширкат хўжалигига раисликка тайинлаганларида зиммасига икки карра масъулият юкланган эди. Абгор бўлган хўжаликни оёққа турғазиш, ташмачилик, талон-тарожлик, ўғирликларга бутунлай барҳам бериш, ишдан кўнгли совиб, руҳи чўккан одамлар қалбидаги хира тортган чўғни аланга олдириш талаб этиларди. У уйма-уй юрди. Чўлни Ватан тутганлар билан очиқчасига гаплашди. Ваъдалар бериб қўйинларини пуч ёнғоққа тўлдирмади. Аксинча, қандай қилинса хўжалик иқтисоди ўнгланади, одамларнинг рўзғорига барака инади, турмуш яхшиланади? Депутат ўз сайловчилари билан айнан шу ҳақда суҳбатлашди. Фикрларини ўртага ташлади.

Натижа шу бўлдики, одамлар унга ишонди, унга эргашди. Минг гектар ер танлов асосида 84 нафар фермерга берилди. 727 гектар ерга чигит экилди. 279 гектар майдонга буғдой уруғи сепилди. Ғалвир сувдан кўтарилгач; аён бўлдики, буғдой ҳосилдорлиги ҳар гектарга 52 центнердан тўғри келди. Ғаллакорларга 470 тонна дон қолди. Пахтачилик борасидаги йиллик режа 130 фоизга етди. Сонда бору саноқда йўқ — чорвага жон кирди. Қўй ва қорамоллар бош сонининг ортаётгани, маҳсулдорликнинг кўзга ташланиб қолгани кўнгилларга ёруғлик солди. «Оқ олтин»ликлар ўтган йили 13 миллион сўм соф фойда олдилар. Шундан 3,5 миллиони хўжалик аъзоларига тақсимланди.

Одамларнинг ҳалол меҳнат билан топганлари яхшиликларга буюраётгани қандай чиройли. Ҳудуддаги хонадонлар юз фоиз газлашгани, тоза ичимлик суви билан таъмин этилганидан қувонмай бўладими. Яқинда қишлоқни албон гулларга буркашга хизмат қиладиган иссиқхона қуриб битказилди. «Оқ олтин» қишлоқ фуқаролар йиғини ихтиёрига топширилган кўп хонали бино узоқдан кўзга ташланади. 60 нафар болакайи бор боғчага 200 минг сўмлик китоблар олиб берилди.

Бу каби ишлар депутат билан сайловчиларни бир-бирига янаям яқинлаштиради. Эзгулик уруғини ниш ундирувчи таклифлар, ташаббусларга йўл очади.

— Табиий кўлларимиз қаровсиз ётибди, — юрагини очди Тўймурод Боймуродов, — хўп десангиз балиқчилик хўжалиги ташкил этардим.

— Қўл ташланг, — хурсанд бўлиб кетди Илҳомжон, — шартнома тузамиз. Ёрдам берамиз. Ҳар икки томонгаям манфаат келтирсин. Мана, Инобатхон опа Саидовани олинг. Аёл боши билан 150 бош қорамолни парваришлаяпти. Қўлини қаёққа узатса етади. Ишлайман деганга иш тўлиб ётибди, биродар.

— Ҳамма нарсамиз бору қишлоғимизда гузар йўқ-да, — сўз очди Асилахон Турғунова. — Арзимаган юмуш билан марказга боришга мажбур бўлаяпмиз.

Қишлоқни ободонлаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини тағинда яхшилашга қаратилган тадбирларда фаоллардан ташқари маҳалла аёлларининг ҳам иштироки ортаётгани диққатга молик. Илҳомжон бу таклифни туман катталарига етказди. Ҳамма маъқуллади. Суюкли байрамимиз Наврўз арафасида гузар очилди.

Депутат катта-кичик йиғинларда кўп қатнашади. Кўтарилган масалаларга эътибор қаратади. Уларни ақл тарозисида ўлчаб, ўзи-да қўллайди.

— Эътибор бераяпсизми? — чеҳралари табассумдан ёришиб кетди Илҳомжоннинг. — Кейинги пайтларда уй курувчилар кўпайиб кетди. Бу қаддимиз тикланаётганининг бир белгиси. Уй эса ўз-ўзидан кўтарилмайди, ёғоч керак. 21 гектар ерда ўрмончилик хўжалиги ташкил этдик. Терак кўчати етиштиришни йўлга қўйдик. Бир қисмини ўстиришга қолдирдик. 25 минг тупини қўшни хўжаликларга тарқатдик. Ҳадемай ёғоч ўзимиздан чиқади. 35 гектар ерни ўзлаштирдик. Шундай ерлар қўриқ бўлиб ётарди... Энди ҳосил бера бошлайди. Муҳими, етмиш одам муқим иш билан таъминланди.

— Ишсизлар ҳам бордир?

— Тўртта маҳалламиз бор. Тўрт минг аҳоли яшайди. Бизда ишсизлар йўқ. Лекин аҳолининг асосий қисми қишлоқ хўжалигида. Ана шу кучнинг, ҳеч бўлмаганда, ярмини бошқа соҳаларга жалб этиш ниятидамиз. Ахир, хорижда шундай қилишади. Ҳунарманд усталарни жамлаб қурилиш жамоаси ташкил этаяпмиз. Улар энди мактабларга, боғчаларга кириб борсин. Камхаражат қилиб, сифатли иш бажарсин. Бундан ташқари, чорва билан боғдорчиликни ривожлантириш шарт, деб ҳисоблайман. Қишлоқда яшасагу қатиқ билан сутни, тухумни шаҳардан келтирсак. Мева излаб шаҳарга борсак. Йўқ, бунақаси кетмайди.

— Мени яна бир нарса ўйга толдиради, — сўзида давом этди Илҳомжон, — уям бўлса ёшлар масаласи. Бозорга борсак ёшлар, кўнгилочар жойларга борсак ёшлар. Чойхоналарниям ёшлар — ўсмирлар эгаллаётгандай. Кўп жиноятларни ёшлар қилаётгани сир эмас. Шундай экан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари ўз фаолиятларини жонлантиришлари керак, деб ҳисоблайман.

Яна, мен қишлоқ хўжалигига оид илмий асосланган адабиётларга қизиқаман. Назаримда, улар амалиётдан беш-ўн йил орқада қолиб кетаётгандай.

Депутат Илҳомжон Абдураҳмонов билан суҳбатимиз узоқ вақт давом этди.

Тиниб-тинчимас, янгиликларга ўч, билимга чанқоқ бу йигит билан хайрлашиб, унга омад тиладим.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТЎПЛАМ ТАҚДИМОТИ

Олий Мажлисда «Мониторинг прав человека» («Инсон ҳуқуқлари мониторинги») китобининг тақдимоти бўлди. Инсон ҳуқуқларининг муҳим муаммоларига бағишланган ушбу тўплам Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (ОМБУДСМАН), Конрад Аденауэр жамғармасининг Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ҳамкорлигида чоп этилган.

Китоб икки қисмдан иборат. Унинг биринчи қисмидан 2002 йилнинг охирида Тошкентда бўлиб ўтган «XXI аср бошида ижтимоий жараёнларнинг либераллашуви ва инсонпарварлашуви умумий тенденциялари контекстида Марказий Осиё давлатларида «инсон ҳуқуқлари мониторинги» халқаро конференцияси материаллари ўрин олган. Таъкидлаш жоизки, конференция минтақа мамлакатларида инсон ҳуқуқлари бўйича фаолият юритаётган ташкилотлар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш ва тажриба алмашишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Тўпламнинг иккинчи қисмида Франция, Польша омбудсманлари, чет эллик ва мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари билан шуғулланадиган олимлар ва амалиётчиларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш мониторингини ташкил этиш ва ўтказиш муаммоларига бағишланган мақолалари берилган.

Тақдимотда Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (ОМБУДСМАН) С. Рашидова, Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси М. Хаккер, Конрад Аденауэр жамғармасининг махсус вакили Х. Бюлер йиғилганларга инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро конференция ўтказиш ва ушбу тўпламни чоп этиш ғояси қандай пайдо бўлгани ҳақида сўзлаб бердилар.

Тадбирда сўзга чиққанлар ушбу тўплам мутахассислар учун ҳам, кенг жамоатчилик учун ҳам жуда зарур қўлланма эканлигини таъкидлашди. Ундан мактабларда, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида дарслик сифатида бемалол фойдаланиш мумкинлигини қайд этдилар. Шунингдек, тўпламни давлат тилида кўп нусхада чоп этиш, вилоят ва туманларга ҳам етиб боришини таъминлаш зарурлиги ҳақидаги таклифлар ҳам билдирилди. Чунки одамлар ўз ҳуқуқларини қанчалик тез билса, жамият ҳаётидаги айрим иллатлар шунчалик тез барҳам топади.

Тақдимот маросимида парламентимизнинг қўмита ва комиссиялари, вазирликлар, ўқув юртлари, чет эл элчихоналари ҳамда ваколатхоналари, халқаро ҳуқуқ ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

**Ўз мухбиримиз.**

# Абдували АБДУРАҲИМОВ



Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳаси оғир жудоликка учради. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши депутати, "Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги" ширкат хўжалигининг бош пудратчиси Абдували Абдураҳимовни бешафқат ўлим 67 ёшида орамиздан олиб кетди.

Абдували Абдураҳимов 1935 йилда Наманган вилояти Чортоқ тумани Короскон қишлоғида туғилди. 1953 йилдан умрининг охирига қадар ўзи таваллуд топган хўжаликда меҳнат қилиб, бутун куч-ғайрати, билими ва бой тажрибасини мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга бағишлади. Айниқса, пахтачилик ва ғаллачиликни фан ютуқлари ва замонавий технология асосида юксалтиришга катта ҳисса қўшди. Бу борадаги янгилик ва илғор тажрибаларни ҳаётга жорий этиш йўлида сидқидилдан тер тўкиб, ғаллачиликда мўл ҳосил етиштириш мактабини яратди. Касбига бўлган садоқати, ҳалол меҳнати, мардлик ва фидойилик фазилатлари туфайли Абдували Абдураҳимов бутун мамлакатимизда моҳир ва омилкор деҳқон сифатида танилди.

Қишлоқ хўжалик соҳасининг билимдони, тажрибали пудратчи Абдували Абдураҳимов мустақиллик йилларида кўплаб ёш пахтакор ва ғаллакорларга деҳқончилик сир-асрорларини ўргатишда ҳам устозлик қилди.

Абдували Абдураҳимов ўзининг меҳнатсеварлиги, юртпарварлиги ва камтарлиги билан халқимизнинг меҳр-муҳаббати ва ҳурмат-эътиборини қозонган олижаноб инсон эди. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги улкан хизматлари учун у 1999 йилда Ватанимизнинг юксак мукофоти — "Ўзбекистон Қаҳрамони" олий унвони билан тақдирланган эди.

Заҳматкаш деҳқон, ўз касбининг чинакам фидойиси Абдували Абдураҳимовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда абадий сақланиб қолади.

**И.Каримов, Э.Халилов, Ў.Султонов, И.Жўрабеков, Т.Худайбергенов, Н.Юсупов, Т.Жабборов, М.Маматов, М.Бобохожиев.**

# Чиқитдан ер малҳами

Қизилқумнинг турган битгани хазина. Зарафшон шаҳрида фосфорит комбинатининг ишга туширилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, бу ердаги чиқиндиларни қайта ишлаб, қишлоқ хўжалик экинлари учун зарур ўғит тайёрлаш йўлга қўйилди. Шунингдек, Навоийдаги «Электркимё» заводида ҳам кунига 20 тоннадан ортиқ ер малҳами ҳисобланган суперфосфат ишлаб чиқарилаяпти. Кон-металлургия комбинати мутахассислари иштирокида ўрнатилган янги линия тўлиқ ишга туширилгач, йилига 5 минг тоннагача ер малҳами деҳқонларга етказилиб берилади. Шу тариқа ҳудудда суперфосфатга бўлган талабни тўлиқ қондириш имконияти яратилади.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТИНЧ ЮРТГА САРМОЯ КЕЛАДИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Энди бевосита ЕТТБ Бошқарувчилар Кенгашининг йиллик йиғилишига тўхталсак, унинг тадбирлар дастури шу йил 3 майда, куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Республикасининг Инвестицион форуми билан бошланади. Унда мамлакатимизнинг инвестицион салоҳияти ва Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантириш истиқболларига бағишланган катта тақдимот маросими бўлиб ўтади. Бу Форум иқтисодий ҳамкорликка, энг аввало, хориж инвестицияларини жалб этишга дахлдор масалаларни очиқ муҳокама қилиш имконини беради.

Йиғилиш доирасида, шунингдек, мамлакатимизнинг иқтисодий, инвестицион ва экспорт салоҳияти билан яқиндан таништириш мақсадида 2 майдан бошлаб иқтисодиётнинг устун соҳалари, қўшма корхоналар, кичик ва ўрта бизнес соҳаларига оид экспозициялар кўргазмаси очилади. 6-8 май кунлари Британиянинг «ITE Group plc» компанияси билан ҳамкорликда 50 дан ортиқ етакчи хорижий компаниялар иштирокида нефть ва газ саноатини ривожлантиришга бағишланган халқаро кўргазма ва конференция ташкил этилади.

Шу билан бирга, XII йиллик йиғилишнинг расмий дастурида ялпи йиғилиш ва Бошқарувчилар Кенгаши ҳамда Бизнес-анжуман ўтказилиши ҳам кўзда тутилган. Бу Бизнес-анжуман давомида банк фаолияти доирасига кирувчи 27 та мамлакатнинг тақдимоти бўлиб ўтади.

Инвестицион иқлим, минтақавий савдо ва глобаллашув, самарали бизнес юритиш, кичик ва ўрта бизнесни ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш, сув заҳираларидан фойдаланиш ва уни тартибга солиш масалалари юзасидан ўтказиладиган 6 та семинар эса, айниқса, йиғилиш иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотиши табиийдир.

Маълумки, ЕТТБ томонидан Швейцариянинг иқтисодий алоқалар давлат котибияти, Ўзбекистоннинг тижорат банклари ва суғурта компаниялари билан ҳамкорликда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича энг яхши лойиҳа учун танлов эълон қилинган эди. Бу танловнинг якунлари ҳам ЕТТБ йиғилишини ўтказиш чоғида эълон қилинади.

Мухтасар қилиб айтганда, Тошкентда бўлиб ўтадиган ЕТТБ Бошқарувчилар Кенгашининг XII йиллик йиғилиши ҳудудда савдо-иқтисодий ва инвестицион ҳамкорликни ривожлантириш, 60 тадан зиёд мамлакатларнинг ишбилармон доиралари ўртасида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, банклараро ҳамкорликни кенгайтириш, Ўзбекистон иқтисодиётига янги инвестицияларни жалб этиш учун янги имкониятлар яратади.

ЕТТБ Бошқарув Кенгашининг йиғилиши ҳамда Бизнес-форумнинг тезкор ва муносиб тарзда ёритилишини таъминлаш бўйича доимий ишловчи Матбуот марказининг кеча бўлиб ўтган навбатдаги матбуот анжуманида шулар ҳақида фикр юритилди. Уни ушбу Марказ раҳбари Шерзод Қудратхўжаев бошқариб борди.

Матбуот анжуманида иштирок этган Ватанимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги Бош директори Элёр Ғаниевдан батафсил ахборот олиш имконига эга бўлишди.

**Икром ЎТБОСАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ХОРАЗМ ОСТОНАСИ

*Ҳазораспнинг бир томони Қорақумга туташ бўлса, яна бир томони Амударёга уланиб кетади. Хоразмнинг жанубий ҳудудлари шу заминдан бошланади. У Буюк Ипак йўлида жойлашган. Бутун вилоятга оби ҳаёт улашадиган сув йўлларининг бошланиш жойи ҳам шу ерда. Унинг ерлари бўлиқ ва серҳосил. Бу замин фарзандлари жуда меҳнаткаш ва ишбилармон. Улар деҳқончиликда ҳам, саноатда ҳам, қурилишда ҳам, ҳунармандчилик ва савдо соҳасида ҳам дид ва маҳорат билан иш тутадилар.*

Ана шу қадимий юртнинг ўтмиши, бошидан кечирганлари ҳақида ўнлаб афсоналар бор. Шулардан бирида бундай дейилади:

«Бир томони адир, иккинчи томони қумдан иборат бўлган бу ерлар бир замонлар саҳро бўлган экан. Адир ёнбағрида битта булоқ бўлиб, карвонлар шу ерда тўхтаб ўтар, барча жонзот ва жониворлар унинг муздек сувидан ичиб роҳатланиш учун булоқбошига бош уриб келаркан. Сувга ташналигини қондиргач, ўз масканларига қайтаркан.

Бир куни шу ерлик чўпонлар ҳайратомуз воқеанинг гувоҳи бўлишибди. Бирдан осмонда бир гала учар отлар пайдо бўлиб, гур этиб булоқ бошига қўнишибди. Чўпонлар кўзларига ишонмай, уларга яқинлашганда қанотли отлар ҳуркиб осмонга кўтарилишибди. Эртасига учар жониворлар яна булоқ ёнига келишибди. Чўпонлар уларни кўриб, қўлга тушириш режасини тузишибди. Аммо уларнинг бўйнига арқон солишолмабди. Қишлоқ аҳлига маслаҳатга бориб, ахийри кўпчиликнинг саъй-ҳаракати билан уларни тутиб олишибди. Санаб кўришса, роппароса мингта экан. Шундан бу ерни «Минг от» — «ҳазор асп» деб аташган. Отларни қўлга ўргатиб, ерларни обод қилишибди. Баланд хирмонлар уюшибди, гўзал иморатлар қуришибди, улкан қалъа бунёд этишибди».

Бу афсонани тинглаб, Ҳазораспнинг ўтмиши ва бугунига боқиб, у камолатга қандай эришганини тасаввур қиласан, киши. Ҳалиям қад ростлаб турган Ҳазорасп қалъасини кўриб, яна тасаввуринг бойийди. Шўролар даврида хароб ҳолга келган, бир неча минг йиллик тарихга эга бир нечта қалъалар тарихини эшитиб, афсусланасан.

Олимлар Ҳазорасп қалъасининг ёшини 2700 йил деб белгиладилар. Унинг ва бошқа қалъаларнинг номлари «Авесто» зарварақларига муҳрланганлиги эса бу ер қадимда ҳам илм, маданият ўчоғи бўлганлигини билдиради. Ҳозир туманда сақлаб қолинган 27 та тарихий ва архитектура ёдгорлиги рўйхатга олинган бўлиб, улар кўз қорачиғидай муҳофаза этилмоқда.

Халқимизда «Оққан дарё оқаверади» деган ҳикмат бор. Бугунги Ҳазораспда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси бу ҳикматнинг қанчалик ҳақиқат эканлигини англатади. Ҳазораспликлар аждодларимизнинг тарихий ютуқларини давом эттираётганликлари шундоқ кўриниб турибди. Бу туман вилоятда барча жабҳада етакчи ўринда туради.

Оғир, енгил ва қумлоқ тупроққа экин экадиган деҳқонларнинг маҳорати, тажрибаси катта, албатта. Ерга қулоқ тутади бу ерлик деҳқонлар. Ер бер деганини беради, шундан хирмони баланд, юзи ёруғ. Бугун унинг эрк-ихтиёри ўзида. Ўз ери, мулкининг хўжайини, мулкдори. Аввалгиларга ўхшаб ерга чигит ташлаш, ўғит, сув бериш учун бировнинг буйруғини кутмайди. Ўз ақл-заковати ва тажрибасига суяниб иш кўради улар. Яратган эгам, табиат тирикчилик манбаи — сувни аямаса, бас. Дарвоқе, қурғоқчилик йилларида ҳам туман деҳқонлари сувдан оқилона фойдаланиш йўлларини изладилар. Топдилар ҳам. 2001 йил — сув тақчил бўлганда давлатга пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш режаларини ошиғи билан бажардилар. Ўз ақл-идрокларини ишга солиб, нималарга қодирликларини кўрсатдилар ўшанда.

Айни кунларда ҳазорасплик деҳқонлар қишки ишларни уддалаб, далаларнинг шўрини ювиб, экин-тикин ишларини жадал олиб бормоқдалар.

* * *

**Ойбек Раҳим (Ойбек Раҳимов)нинг номи газетхонларимизга таниш. У бир неча йил мобайнида «Халқ сўзи»да мухбир, катта мухбир ва бўлим муҳаррири вазифаларида ишлаган. «Нигоҳимга суянгай осмон» ва «Сукунатнинг тили» шеърий тўпламларининг муаллифи.**

**Ойбек Раҳим яқинда «Халқ сўзи» газетасининг Хоразм вилоятидаги мухбири сифатида иш бошлади. Қуйида унинг дастлабки мақоласини эътиборингизга ҳавола этаяпмиз.**



Ҳазораспликлар мустақиллик нима эканини яхши биладилар. Сўрасангиз, содда қилиб, яхши меҳнат қилиб, яхши яшаш учун катта имконият, ўз юртингни обод қилиш, ўзлигингни намоён этиш — бу мустақиллик, деб жавоб берадилар.

Туманда саноатнинг кундан-кунга ривожланиб бораётганлиги ҳазораспликларнинг мустақиллик нима эканлигини тушунганликларининг яна бир меваси. Уларнинг изланувчанлиги ва интилувчанлигининг натижаси. Ҳазораспда республикамизда биринчи бўлиб шакар ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги уларнинг шижоатидан дарак бермайдими?! 120 гектар майдонни эгаллаган бу завод кунига 3 тонна шакар ишлаб чиқариш қувватига эга. Ҳозирда унинг негизида қўшма корхона тузилиб, чет эл сармояси жалб қилинган. Пишиқчилик даврида заводда 2000 нафардан ортиқ киши меҳнат қилади, оила тебратади. Завод эндиликда йил давомида тўхтамай ишлаб, маҳсулот чиқараяпти.

Туманда бу заводдан ташқари йирик ип-йигирув фабрикаси, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи ва бошқа корхоналар ишлаб турибди. Маҳсулот ишлаб чиқаришни кундан-кунга кўпайтириш, унинг сифатли бўлишига эришиш, ўз маҳсулотларини дунё бозорига олиб чиқиш мақсадида чет эл инвестицияларини жалб этиш имкониятларини излаб топмоқдалар. Яқинда ип-йигирув фабрикаси негизида Германия билан ҳамкорликда ташкил этилган «УНИХО» қўшма корхонаси иш бошлайди. 80 та иш ўрни очилади.

* * *

Туманда тадбиркорликка ҳам кенг йўл очиб берилган. Бу ерда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг сони 1275 тани ташкил этиши шундан далолат беради. Шулардан 99 таси йирик, 27 таси ўрта, 82 таси кичик корхона, 1067 таси эса микрофирмадир. Шунингдек, 508 та фермер хўжалиги ҳам фаолият юритмоқда.

Айтиб ўтиш керак-ки, вилоятда бирорта саноат корхонасига эга бўлмаган туманлар ҳам бор.

Ҳазораспликларнинг тадбиркорлигига, ишбилармонлигига шубҳа қилсангиз, тадбиркор Эркинбой Рўзимов қуриб ишга туширган замонавий «Ҳазорасп» кемпингини бир бориб кўринг. Бу ерда турли русумдаги автомобилларга кечаю кундуз техник хизмат кўрсатилади. Ошхонасида Хоразмнинг таомларидан тамадди қиласиз. 30 ўринли меҳмонхонада ҳордиқ чиқарасиз. Иш билан таъминланган 15 киши хизматингизда бўлади. Марказий йўлнинг шундоқ чеккасида қад ростлаб турган чиройли бинони кўриб, бу ерда меҳмон бўлганлар «барака топинглар», деб кетишади. Бу биргина мисол, холос. Эркинбойга ўхшаган ўнлаб тадбиркорларнинг қилган ишлари кўпчиликка манзур бўлмоқда.

* * *

Ҳазораспликлар бунёдкор ва қурувчилар ҳамдир. Кейинги 2-3 йилда қуриб битказилган бинолар, айниқса, Ҳазорасп қиёфасини ўзгартириб юборди. Ҳозир шаҳарча қиёфасини олган марказда қуриб битказилган «Истиқлол» стадиони, истироҳат боғлари, «Ёшлар маркази», Хотира хиёбони, педагогика касб-ҳунар коллежи, Мустақиллик хиёбони, оталар чойхонаси, янги деҳқон бозори кўзни қувонтиради. Уларни санаб ўтиш осон, лекин бу иншоотлар катта меҳнат ва маблағлар эвазига бунёд этилганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Бу — ҳазораспликларнинг фидойилиги самараси. Баъзи жойларда 5-10 йиллар мобайнида туя гўшти еб ётган қурилишлар борлигини эслаб, уларнинг бунёдкорлигига, ҳамжиҳатлигига, саъй-ҳаракатига балли, дейсан, киши.

Ҳазораспда ёшларга, уларнинг тарбиясига эътибор ниҳоятда кучли. Соғлом, билимли йигит-қизлар — эртанги куннинг яратувчилари камол топмоқда бу ерда.

Ҳазорасплик зиёлилар, ўқитувчи, шифокор, олимлар, санъат ва маданият ходимлари бу йўлда фидойилик кўрсатмоқдалар. Айниқса, болалар спортига катта эътибор қаратилган. Неча йиллардан бери хароба ҳолда ётган киноклуб биноси 5 миллион сўм маблағ сарфланиб, таъмирланди. «Спорт-соғломлаштириш маркази» ташкил этилиб, ёшлар ихтиёрига берилди. Ҳозирда бу ерда 600 нафардан ортиқ ёшлар спорт билан шуғулланиб, вилоят ва республика миқёсидаги мусобақаларда беллашмоқдалар.

* * *

Ҳазорасп ўз-ўзидан Ҳазорасп бўлаётгани йўқ. Бу — албатта янгича яшаш, янгича меҳнат қилишга интилишнинг натижаси.

Туман ҳокимлигига бориб, раҳбарларни учратолмадик. Қоровул бизга уларни идорадан тополмаслигимизни, улар далада, қурилишларда, одамлар орасида бўлишини айтди. Чунки шунга одатланишган, деди.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





# «Ғаллабанк»: ИСЛОҲОТ ВА САМАРА

Кейинги йилларда республикамиз иқтисодиётида ижобий ўзгаришларга эришишда банкларнинг иштироки сезиларли даражада ўсиб бормоқда. Буни, аввало, уларнинг иқтисодиётнинг реал секторига йўналтираётган кредит қуйилмалари, кичик ва ўрта тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар, замонавий технологиялар асосидаги инвестицияларнинг ортиб бориши билан белгилаш мумкин.

Ўз капитали, активлари ҳажми, молиявий операциялари доирасига кўра, республикамиздаги йирик банклардан ҳисобланган акциядорлик тижорат банки – “Ғаллабанк” томонидан ҳам 2002 йили бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилди. Бу банк мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан ғалла мустақиллигига эришиш бўйича соҳани молиялаштириш, дон маҳсулотлари корхоналари тизимига хизмат қилувчи ягона кредит-молия муассасаси сифатида 1994 йилда ташкил этилган эди. Ўтган давр мобайнида у ҳар томонлама ривожланиб, молия бозоридаги нуфузли банклар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллаган универсал банк мақомига эга бўлди.

Бугунги кунда «Ғаллабанк» мамлакатимизнинг минтақаларида фаолият кўрсатаётган 32 та филиал, 31 та мини банк, 76 та жамғарма ва 41 та валюта айирбошлаш шохобчасига эга. Улар иқтисодиётнинг турли жабҳаларида иш юритувчи 39566 та хўжалик субъекти ҳамда жисмоний шахсларга самарали хизмат кўрсатиб келмоқда.

2002 йилда молиявий муассаса кенгаши ва бошқаруви, жамоа олдига жумладан, активларнинг барқарор ўсишини таъминлаш, кредитларни иқтисодиётнинг реал секторига йўналтириш, кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, мижозлар сонини барқарор фаолият юритувчи турли мулкчилик шаклидаги хўжалик субъектлари ҳисобига кенгайтириш, жозибадор ва янги хизматларни амалиётга татбиқ этиш борасидаги тадбирларни амалга оширишни асосий вазифалар сифатида қўйган эди. Банк ўз фаолиятини кредит сиёсати асосида банк кредит ресурслари бозорида шаклланаётган фоизлар ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ҳолда юритди. 4825 та мижозга уларнинг эҳтиёжларига қараб 31,4 млрд. сўмдан зиёд кредит берилди. Шунингдек, жорий йил 1 январь ҳолатига кўра, иқтисодиётнинг саноат, қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва қурилиш соҳаларига йўналтирилган кредитлар қуйилмасининг қолдиғи 45 млрд. сўмдан ортиб, уларнинг қарийб 58 фоизи ўрта ва узоқ муддатли кредитни ташкил қилди. Жумладан, аҳолига сифатли ун ва нон маҳсулотлари етказиб берувчи корхоналар замонавий технологиялар асосида қайта жиҳозланмоқда ва уларнинг қўшимча маблағларга эҳтиёжи қондирилмоқда. Бунга яқинда Швейцариянинг “Бюллер” фирмаси ускуналари билан қайта жиҳозланиб, фойдаланишга топширилган “Намангандонмаҳсулотлари” акциядорлик уюшмасининг бош корхонаси мисол бўла олади. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун банк томонидан 1300,0 млн. сўмдан зиёд ўрта муддатли кредит маблағи ажратилди.

Кредит ҳисобига ўз фаолиятини кенгайтириб, мўмай даромад олаётган жамоалар кўп. “Андижондонмаҳсулотлари” очиқ акциядорлик жамияти, “Меҳнат-роҳат” хусусий корхонаси, Алишер Навоий номли ширкат хўжалиги ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бозор иқтисодиёти шароитида барча соҳада, айниқса, реал секторда рақобатнинг мавжудлиги иқтисодий ўсишни таъминловчи асосий шартлардан бири ҳисобланади. Бу борада кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ривожланиши учун қулай шароитлар яратиш, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Тадбиркорларнинг ўз фаолиятини йўлга қўйиши, дастлабки натижаларга эришишида албатта молиявий қўллаб-қувватлаш механизмининг ҳам ҳиссаси катта. Бошқа молия муассасалари қатори «Ғаллабанк» ушбу соҳани ривожлантиришда фаол иштирок этяпти. Жумладан, ўтган йили банк ўз маблағлари ҳисобидан кичик ва ўрта тадбиркорларга берган кредитларининг умумий миқдори 4700,0 млн. сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2001 йилдагига нисбатан қарийб 1400,0 млн. сўм кўпдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, амалдаги микрокредитлаш механизми ҳам кўзланган натижаларни бермоқда. Ушбу йўналишга ажратилган маблағлар ҳажми 2331,8 млн. сўмга етиб, мазкур хизмат туридан 1107 дан ортиқ тадбиркор фойдаланди. Маблағлар асосан ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни йўлга қўйиш, қайта ишлашга мўлжалланган технологиялар харид қилишга йўналтирилмоқда. Бунда, Имтиёзли кредитлаш жамғармаси томонидан берилаётган кредитлар ниҳоятда қўл келаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Молиявий муассаса фойдасининг барқарор ўсиши натижасида Имтиёзли кредитлаш жамғармасидаги қарийб 753,1 млн. сўм миқдоридаги кредитлар кичик ва ўрта тадбиркорлар, микрофирмалар, фермерлар ҳамда деҳқон хўжаликларининг лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди. Айни чоғда банкнинг кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳамкорлиги кенгайиб борди. Жумладан, ушбу жамғармалардан жалб қилинган маблағлар эвазига 705 та тадбиркорнинг лойиҳасини молиялаштириш учун 1258,2 млн. сўм кредит берилди. Ушбу кўрсаткич 2001 йилдагига нисбатан салкам 50 фоиз зиёддир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 сентябрдаги “Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, моддий-техник таъминлаш, уларга божхона имтиёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра бошланғич сармояни шакллантириш мақсадида бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан 370,5 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди. Бундан ташқари, банк томонидан энди иш бошлаётган 110 та оилавий тадбиркорларга 68,9 млн. сўм маблағ берилди.

Иқтисодиётнинг устувор йўналиши ҳисобланган мазкур соҳадаги лойиҳаларни молиялаштиришда асосий эътибор ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва шунинг ҳисобига янги иш ўринлари ташкил этишга қаратилмоқда. Хусусан, кредитлар муддати аксарият ҳолларда ўрта ва узоқ муддатли этиб белгиланмоқда. Натижада ажратилган барча кредит маблағлари ҳисобига 3935 тага яқин янги иш ўрни очилди. Мисолларга мурожаат қилайлик. Хоразм вилоятидаги “Маши Хужик” фермер хўжалигига ишни ташкил қилиш учун ўтган йилнинг январь ойида 1,0 млн. сўм, кейин боғдорчиликни ривожлантириш мақсадида Имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳисобидан 3,0 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилган эди. Фермер мавжуд 10 гектар майдоннинг 2 гектарида боғ барпо этди. Қолган ердан 5 тонна буғдой, 4,5 тонна шоли етиштириб, давлатга сотди. Пировардида йилни фойда билан якунлаб, 6 кишини иш билан таъминлади.

“Чамангул-халфа” деҳқон хўжалигига дастлабки сармоясини шакллантириш учун 600,0 минг сўм, кейин банк маблағидан 1,6 млн. сўм имтиёзли кредит берилганди. Бу фермер ҳам йилни фойда билан якунлаб, 5 киши учун янги иш ўрнини яратди.

Банк халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ҳам молиявий қўллаб-қувватлаб, тадбиркорликни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Масалан, Сирдарё вилоятидаги “Фарҳод-Н” кичик корхонасига фаолиятини бошлаш учун 1,0 млн. сўм миқдорида маблағ ажратилди. Ўтган йили бу ерда аҳолига бичиш-тикиш ишлари бўйича 1,5 млн. сўмлик хизмат кўрсатилди. Ҳозир корхона ва буюртмачилар ўртасида бош кийими тикиш учун шартномалар имзоланган бўлиб, маҳсулотлар уларга етказиб берияпти.

Шу билан бирга, банк ўз активларини шакллантиришда нафақат унинг миқдор жиҳатидан кўпайиши, балки уларнинг қулай таркибга эга бўлиши йўлида, активларнинг кам хатарлилик даражада ва даромадлилиги юқори бўлишини таъминлаш юзасидан ҳам иш олиб бормоқда. Жумладан, мижозлар эҳтиёжлари ва талаблари асосида маблағларни жойлаштиришнинг ноанъанавий усулларидан ҳисобланган факторинг амалиётларидан кенг фойдаланилди. Масалан, 348,0 млн. сўмлик ана шундай операциялар мижозларнинг товарлар ҳамда хизматлар билан ҳисоб-китоб қилишда вужудга келган дебиторлик-кредиторлик қарзларини муайян даражада қисқартиришга ижобий таъсир қилди.

Албатта, активларнинг таркибини сифат жиҳатидан янада яхшилашда мавжуд бўш маблағларнинг қимматли қоғозлар бозорига жойлаштирилаётганлиги ҳам қўл келмоқда. Натижада 2003 йил 1 январга келиб, банкнинг инвестиция қўйилмалари миқдори 322,3 млн. сўмга етди, олинган дивидендлар миқдори эса ўтган йил якунлари бўйича 150,0 млн. сўмни ташкил этди.

Президентимизнинг 2002 йил 28 августдаги “Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мамлакатимизда лизинг хизмати бозорининг ривожланишидаги мавжуд бир қатор муаммоларни ҳал этиш билан бирга, банкларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини кенгайтириш учун ҳам катта имкониятлар яратди. Мазкур молиявий хизмат тури бўйича барча тартиб-қоидаларга амал қилинган ҳолда, банк томонидан мижозларга 84,2 млн. сўмлик лизинг хизматлари кўрсатилди. Хусусан, республикамизда ишлаб чиқарилаётган “UzOtayol” автобуслари ва Тошкент трактор заводида тайёрланаётган “Т-4” русумли тракторлар ана шундай усулда мижозларга фойдаланишга берилди.

Бу борада яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Навоий шаҳридаги “Пропан-Экстра” фирмасига автомобилларга газ ёнилғиси қуйиш колонкаси сотиб олиш мақсадида 8,7 млн. сўмлик лизинг хизмати кўрсатилди. Айни пайтда Навоий-Самарқанд катта йўлида жойлашган бу шохобчада 6 киши ишлаб, ҳар куни 30 дан ортиқ автомобилга арзон ва экологик жиҳатдан тоза газ ёнилғиси қуйиляпти, келгусида уларнинг сонини 100 тага етказиш режалаштирилмоқда.

Банк актив амалларини бажариш учун табиийки, етарли миқдорда ўз капитали ва жалб қилинган маблағларга эга бўлиши лозим. Албатта, бу борада молиявий муассаса томонидан танланган самарали ўсиш стратегиясини қўллаб-қувватлаётган унинг акциядорлари, яъни мулкдорлари сони йилдан-йилга кўпайиб бораётганлигини ижобий ҳол, деб баҳолаш мумкин. Бундан ташқари, даромад ва харажатлар устидан қатъий назоратнинг мавжудлиги соф фойданинг муттасил ўсишига замин яратяпти. Чунончи, ўтган йил якунлари бўйича банкнинг умумий капитали 10,3 млрд. сўмдан ошди. Айни пайтда эса қарийб 4134 та юридик ва жисмоний шахс молиявий муассасанинг 3,5 млрд. сўмлик акцияларига эгалик қилмоқда. Бунда, айниқса, жисмоний шахслар улуши ортиб бораётганлигини алоҳида қайд этиш мумкин.

Банк, шунингдек, жалб қилинган маблағлар таркибида муддатли депозитлар салмоғи, жумладан, аҳолининг муддатли омонатлари улушини кўпайтиришга алоҳида эътибор бераяпти. Ўтказилаётган мақсадли депозит сиёсати ва кенг кўламдаги реклама-ташвиқот ишлари натижасида барча филиаллар томонидан ташкил этилган жамғарма шоҳобчалари сони 76 тани ташкил қилди ёки 2001 йилдагига нисбатан 33 тага кўпайтирилди. Улар томонидан 26705 нафар фуқаронинг бўш пул маблағлари мавжуд қарийб 14 та, ҳар томонлама қулай бўлган омонат турига қабул қилинди. Пировардида, омонатларнинг умумий қолдиғи 3246,0 млн. сўмга етди. 2001 йилнинг 1 январь ҳолатига нисбатан қарийб 2124,4 млн. сўмга оширилди. Ўз навбатида аҳолининг банкда сақланаётган умумий омонатлари таркибида муддатли омонатлари улуши 60,0 фоизни ташкил этди.

Бундан ташқари, аҳоли бўш пул маблағларини жалб қилишнинг янги усулларидан фойдаланиш давом эттирилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг февраль ойида муомалага чиқарилган, эмиссия ҳажми 150 млн. сўмлик бўлган омонат сертификатларининг учинчи эмиссиясини аҳоли ўртасида жойлаштириш якунланмоқда. Ушбу омонат сертификатларига бўлган талаб ва қизиқишларни инобатга олиб, уларнинг кейинги эмиссияси, шунингдек юридик шахслар учун мўлжалланган депозит сертификатларининг биринчи эмиссияси муомалага чиқарилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозиргача юридик шахсларга мўлжалланган 2,0 млрд. сўмлик сертификатларнинг қарийб 1,5 млрд. сўмлиги жойлаштирилди.

Банк бошоқли экинлар, яъни буғдой, шоли ва арпа каби қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни молиялаштиришда фаол иштирок этиш билан бирга, уларни қайта ишловчи корхоналарга молия-кредит ҳамда ҳисоб-китоб хизматларини ҳам кўрсатиб келмоқда. Маълумки, республикамиз Президентининг 1998 йил 31 декабрдаги Фармонига мувофиқ, «Ғаллабанк» Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар жамғармасининг молиявий агенти этиб белгиланган. Бу борада давлат заҳираларига топширилган дон учун якуний ҳисоб-китобларнинг замонавий тури бўлган аккредитив усули кенг қўлланилмоқда. Хўжаликлар, фермерлар томонидан ўтган йили дон маҳсулотлари корхоналарига топширилган ғалла бўйича бўнак маблағларидан ташқари, фақат якуний ҳисоб-китоблар асосида жамғарма ва банк маблағлари ҳисобидан жами 82,5 млрд. сўмдан зиёд маблағ берилди.

Аграр соҳа ва бу тизимда фаолият юритаётган хўжалик субъектлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, янги ташкил этилаётган фермер ва деҳқон хўжаликлари, шунингдек, қишлоқ тадбиркорларига хизмат кўрсатиш жойларида бозор инфратузилмасини ривожлантиришда фаол қатнашиш ҳам молиявий муассасанинг асосий мақсадларидан бири этиб белгиланган. Мазкур йўналишда изчиллик билан олиб борилган чора-тадбирлар ўз натижаларини беряпти. Иқтисодий шароити оғирлашган, паст рентабелли хўжаликлар негизида ташкил этилаётган фермер ва деҳқон хўжаликларига банк хизматларини яқинлаштириш мақсадида 16 та мини банк ташкил этилиб, уларнинг жами сони 31 тага етказилди, мижозлар эса 2200 тадан ортди.

Ўтган йили эришилган ижобий натижалар сирасига хорижий банклар ва молия институтлари билан ҳамкорликда амалга оширилган лойиҳаларни ҳам киритиш мумкин. Мисол учун банк Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки томонидан “Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини таркибий ислоҳотларини ўтказишда иштирок этиш” дастури доирасида ажратиладиган кредит линиясини ўзлаштириш юзасидан ўтказилган танловда иштирок этиб, маблағларни ўзлаштиришда қатнашиш имкониятини олди. Натижада, ҳозирги кунга келиб, умумий кредит линиясининг транши ўзлаштирилмоқда. Бундан ташқари, янги хизмат турларини жорий этиш мақсадида “Халқаро пул ўтказмалари” тизимининг фаол иштирокчиси ҳисобланган “Монегремм” компанияси билан ҳамкорликни бошлаш юзасидан ўзаро битимга эришилди.

Қўлга киритилган ютуқлар билан бирга, ҳали молиявий муассаса олдида ўз фаолиятини янада ривожлантириш учун бошқа имкониятлар ҳам мавжуд. Масалан, банк умумий капиталини, жумладан, акциядорлик капиталини муттасил кўпайтириш, активлар даромадлилигини ошириш, умумий банк активлари таркибида даромад келтирмайдиганлари улушини қисқартириш, лизинг ва факторинг амалларининг кенгроқ қўлланилишини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш бўйича мижозлар билан ҳамкорликни кучайтириш, умумий муддатли депозитларни кўпайтириш, аҳоли бўш пул маблағларини банк оборотига кўпроқ жалб қилиш шулар жумласидандир. Шунингдек, аҳоли эҳтиёжларини ҳисобга олиб, халқаро тўловларда банк иштирокини фаоллаштириш, энг асосийси эса, олинадиган соф фойдани кўпайтириш йўли билан акциялар бўйича ҳисобланадиган дивидендларни оширишга замин тайёрлаш каби вазифалар бундан буён ҳам жамоа учун устувор бўлиб қолаверади.







**РАТБ "Ғаллабанк" тизимида 1999-2003 йиллар давомида аҳоли бўш пул маблағларини жамғармаларга жалб қилиш динамикаси**

(минг сўм ҳисобида)

| Омонат турлари | 1999 йил | 2000 йил | 2001 йил | 2002 йил | 2003 йил |
|---|---|---|---|---|---|
| Жами омонатлар миқдори | 49 105 | 136 197 | 506 483 | 1 121 552 | 3 246 000 |
| ш.ж. муддатли омонат тури бўйича | 4 228 | 56 284 | 299 165 | 849 876 | 2 154 874 |

**I. Жамғармалар микдори буйича.**




**Сўз — акциядорларга**

**Жўра МЕНГЛИБОЕВ,**
**“Олтин чигит” Ўзбек-Юнон қўшма корхонаси раҳбари:**



– Мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришда тижорат банкларининг ҳам ўрни бениҳоят катта. Бизнинг корхонамиз “Сурхон-чигит” пахта уруғчилиги корпорацияси ва Грециянинг “ЕМКАТ С.А.” компанияси билан биргаликда 1998 йилда ташкил этилган. У Европа Тикланиш ва тараққиёт банки томонидан ажратилган 2,6 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит ҳисобига иш бошлаган эди. Натижада 130 киши учун янги иш ўринлари яратилди.

Жамоамизнинг асосий фаолияти қишлоқ хўжалигига чигит ва ғалла уруғини қайта ишлаган ҳолда етиштириб беришдан иборат бўлиб, шу мақсадда корхона замонавий техника ускуналари билан жиҳозланган.

“Ғаллабанк”нинг Сурхондарё вилояти минтақавий филиали томонидан факторинг амалиёти бўйича 60,0 млн. сўмлик хизмат кўрсатилиши натижасида биз ўтган даврда муайян ишларни амалга оширдик. Масалан, 5000 тонна туксиз уруғлик чигит, 30200 тонна сифатли уруғ қайта ишланди. Пировардида ўтган йили 8657,0 минг сўм соф фойда олинди.

Шу кунларда эса жамоамиз аҳли ўз фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида банк билан ҳамкорликда бир қанча лойиҳалар устида иш олиб бормоқда. Бу лойиҳалар ҳам тез орада кутилган самарани беришига ишонамиз.

**Сўз — акциядорларга**

**Нуржон КАЛИБЕКОВ,**
**“Сайхунсут” хусусий агрофирмаси раҳбари:**

– Корхонамиз аҳолидан сут қабул қилиб олиб , уни қайта ишлаган ҳолда сариёғ, сметана, пишлоқ ва бошқа сут маҳсулотлари тайёрлайди. Бунда «Ғаллабанк»нинг Сирдарё вилояти минтақавий филиали томонидан 50,0 млн. сўм кредит маблағи ажратилганлиги жуда қўл келди. Оқибатда бир неча янги иш ўринлари очилди, вилоят аҳолисини сифатли сут маҳсулотлари билан таъминлаш ва товарлар ассортиментини ошириш имконияти яратилди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимиз ўзининг юқори сифатлилиги ва нархининг арзонлиги жиҳатидан харидорларга манзур бўлмоқда. Шу боис нафақат Сирдарё, балки қўшни вилоятларда ҳам уларга талаб катта. Ўтган йили 253,3 млн. сўмлик маҳсулот сотилиб, соф фойда 21,3 млн. сўмни ташкил этгани шундан далолат беради.

Жорий йилнинг май ойидан бошлаб пишлоқ ишлаб чиқариладиган цех фойдаланишга топширилгач, ишчиларимиз сони янада ортади.



**Ризо РАҲИМОВ,**
**“Макма” маъсулияти чекланган жамияти бош директори:**

– Жамоамиз бир неча марта вилоят ва республика миқёсидаги тадбиркорлар кўрик-танловларида иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаган. Сабаби – биз вилоятимиз аҳолисининг ун ва макарон маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга ўз ҳиссамизни қўшиб келаяпмиз. Ўтган йили фаолиятимизни кенгайтириш учун “Ғаллабанк”нинг Бухоро вилояти минтақавий филиалидан 24,9 млн. сўмлик кредит олган эдик. Бу – корхонамизда йилига 850 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш учун имконият яратди. Яқинда эса ушбу банкдан яна 24,9 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит олиб, замонавий, жаҳон талаблари даражасига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва кам иш кучини талаб этадиган асбоб-ускуналар сотиб олишга буюртма бердик. Улар ўрнатилиб ишга туширилса, маҳсулотларимиз сифати янада яхшиланади.



**Сўз — акциядорларга**



**Асқар СОДИҚОВ,**
**«Чимбойёғ» очиқ акциядорлик жамияти раиси:**

– Юртбошимиз таъкидлаганидек, банклар зиммасига иқтисодиётни етакловчи локомотив ва хўжалик субъектлари ўртасида пул оқимларининг мутаносиблигини таъминловчи қон томир вазифасини ўташ вазифаси юклатилган. “Ғаллабанк”нинг Чимбой филиали томонидан ўтган йили “Чимбойёғ” очиқ акциядорлик жамиятига соя сотиб олиш учун 25 млн. сўм миқдорида кредит ажратилган эди. Бу маблағ мақсадли ишлатилгани учун ўтган йили белгиланган технологиялар асосида 500,0 млн. сўмлик «Ўзбекистон» ўсимлик ёғи ишлаб чиқарилиб, 4,5 млн. сўм соф фойда қўлга киритилди.

Бир кеча-кундузда 170 тонна чигитни қайта ишлаш қувватига эга бўлган корхонамизда, шунингдек, кунжара, омихта ем ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Бу маҳсулотлар сифатли ва харидоргирдир. Шу боис истеъмол бозорида ўз ўрнимизга эгамиз. Жорий йилда кунгабоқар ёғи ишлаб чиқариладиган цехни ҳам бунёд этишни режалаштирганмиз. У ишга туширилгач, яна бир неча янги иш ўринлари ташкил этилади.

***Банкнинг матбуот хизмати***

